

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@uzpak.uz • 2002 йил 26 ноябрь, №256 (3084) Сешанба

НАТО: ҲАМКОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ОЧИҚЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 — 22 ноябрь кунлари НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Прага саммитида иштирок этди

Президентимиз Прага сарафининг биринчи кунин НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон, иккинчи кунин эса АҚШ Давлат қотиби Колин Пауэлл ҳамда Франция Президентини Жак Ширак билан учрашди. Ушбу учрашувларда асосий диққат-эътибор хавфсизлик масаласига қаратилди. Бу — табиий. Зеро, НАТО аъзолари ва ҳамкорларининг бир ташкилот афродида жипслашувидан кўзланган мақсади ҳам миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашдан иборат.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 — 22 ноябрь кунлари НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Прага саммитида иштирок этди

Ислам Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида ҳам биринчи навбатда террор муаммосига эътибор қаратди. Дунё аҳли 2001 йилнинг 11 сентябрий воқеаларига қадар бу балога унчалик жиддий эътибор бермади. Тинч мамлакатларда содир этилган кўпюрвачиқлар, портлашлар кўпгина оммавий ахборот воситалари томонидан "бир кунлик ваҳима" қабилида қайд этилар, жиноятчиларни топиш ва жазолаш айрим идоралар даражасида олиб борилад эди.

Халқро ҳуқуқ меъёрларини ҳам, инсоний қадриятларини ҳам тан олмайдиган буз кучлар бутун бир давлатни эгаллаб олиб, узлуксиз наркотик модда ишлаб чиқарар, манфур ва бераҳм жаллодларни ўзининг фахрий меҳмони атаб, ўз панохига олган эди. Афғонистонда қудон ёйган офат уммонлар охири, олис қитъаларга ҳам етиб боргандан кейингина террорчиликка қарши жиддий курашни зарурлигини англаш бошланди. Ваҳоланки, икки бор жаҳон урушини бошдан кечирган инсониятга касалдан даволанган кўра, унинг олдин олиши осон ва афзалдигини тушуништига ҳожаат йўқ эди.

АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалициясининг дадил қарарлари билан Афғонистонда террор ўчоқлари бартараф этилди. Ислам Каримов бунинг учун қолиши аъзолари минтақадорлик билдирар экан, ҳали Афғонистонда кўп иш қилиш кераклигини таъкидлади. Аввало, мамлакат аҳолисини қуролсизлаштириш керак. Айрим маълумотларга қараганда, Афғонистонда одамлар қўлида бир неча миллион донга ўқотар курчал бор. Урушга қўнчиқ қолган, қўлида қасб-қоридан кўра қурол кўпроқ одамлар эса ҳар нарсани кўтиш мумкин.

Бу муаммо билан ёнма-ён турган яна бир масала миллий армия ва давлат бошқарушини шакллантириш бўлиши мумкин. Афғонистондаги ҳарбий кадрлардан ташкил топган армияга мамлакатда хавфсизликни сақлаб туришга қодир. Ҳаётини изга солиш, саломларни бунёдкорликка жалб этиш эса ҳукуматга тааллуқли иш. Афғонистоннинг марказий ҳокимияти мамлакатнинг барча минтақаларини бирдек ўз назорати остига олган, деб бўлмайди. Ҳукуматнинг таъсир доирасини кенгайтириш, аҳоли орасида унга ишончини мустақамлаш ва кучайтириш учун улкан иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш керак. Жўн айтганда, одамлар иш билан, ҳаёт учун зарур бўлган юмуш билан, таъминланмоғи лозим. Бу борада халқро ҳамжамиятнинг кўмагини бирор муваффақиятга эришиш қийин. Ислам Каримов Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишлаб ўтказилган Токио конференцияси қарорларини бажариш мўҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президентини анжуман қатнашчиларини эътиборини қаратган иккинчи муаммо наркотиксизлик бўлди. Террорнинг асосий озуқа манбаи айтиш шундан "соҳа" эканлиги, террорчилик билан наркотиқсизлик ҳамбаркас болғиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлар.

Наркотик моддаларнинг қайриқонуний етиштирилиши, сақланиши, ташилиши ва савдосига қарши курашда Марказий Осиё мамлакатларининг НАТО билан ҳамкорлигини ривожлантириш мўҳим аҳамият касб этди. Бу билан хавфсизликка таҳдид солувчи кучларнинг молиявий манбаларига зарба берилди.

Президент Ислам Каримов ўз нутқида мазкур мавзунинг ривожлантириш, Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларининг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалаларига бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келаятиганини таъкидлади.

Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигини юксак қадрлаймиз ва Куролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш бораида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларини кенгайтириш тарафдоримиз, — деди Ислам Каримов.

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси махсус маърузачиси Тео ван Бовен раҳбарлигидаги делегация вакиллари 25 ноябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди. Мамлакатимиз ташқи сийбасат мақамаси раҳбари Абдулазиз Комиллов билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, демократия тамойилларини мустақамлаш бораида амалга ошириладиган ишлар хусусида сўз борди. Истиқбол йилларида мамлакатимизда қўлаб соҳалар билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бораида ҳам кенг қўламли ишлар бажарилгани таъкидланди.

Эркимиз ва Бахтимиз қомуси

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде ўтказилган илмий-амалий анжуман мустақиллигимиз кафолати ҳисобланган Конституцияимизнинг 10 йиллигига бағишланди. Жўқорғи Кенгес Раиси, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари М.Т.Ернйязов бошқариб борган бу йилгида ҳуқуқ-тартибот тизимини мустақамлаш, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

«Конституция, демократия ва миллий маънавият»

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика Жўқорғи маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар жамғуруми «Конституция, демократия ва миллий маънавият» мавзуга бағишланди.

Алло, Сизни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси эшитишди!
Хурматли газетхонлар!
Сизларни тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳақиқатларини...
Хуллас, Сизни қизиқтираётган саволларга шун йил 2 декабрь кунин соат 12.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек СОБИРОВ 139-18-83, 132-09-03 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.


Қарор ва ихро
Меҳнатобод туманида заминини шўр босганлиги, пахтадан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш тўбора оғирлашиб бораётганлиги оддий деҳқон муважжасларга аён бўлиб қолган. Меҳнатобод туманидаги пахтадан бошқа экинларни экиш, бу ордада одамларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор чиқаргандан хабардорсиз.
Ана шу қарорга мувофиқ, меҳнатободлик деҳқонлар фақат галла етиштириш бўйича тегишли идоралар билан шартномалар тузишлари, галладан ортиб қолган майдонларга эса ҳаридорғир ҳамда бозор кўтармадан экинлар экишлари мумкин эди. Ўз ишини яхши билган деҳқон учун бу жуда катта имконият эди.

Умри беҳуда ўтаётган ер

СИРДАРЁНИНГ КЕНЖА ТУМАНИ — МЕХНАТОБОДДА ҚАМНАРСА УНУТИЛДИ: ЕРГА ЭЪТИБОР ҲАМ, ДЕҲҚОНГА ҲАМҲЎРЛИК ҲАМ, ҲАТТО ҲУКУМАТ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ҲАМ...

35 гектар экин майдони бўлиб, унинг 20 гектарига бўғдой ва 15 гектарига чигит қадаланган эди. Йил якунланиб, галлар сувлан кўтарилган айна дамларда маълум бўлдики, фермер ҳўжалиги ҳар икки экин тури бўйича жуда паст қўрсаткичга эришган. Мана шундай қўрсаткич Маҳмуд Мавлонов раҳбарлик қилаётган «Деҳқон» фермер ҳўжалигида ҳам қайд этилди. Улар ўн гектар майдондаги галла ва шунча гектар даладаги пахтадан кўзда тутилган ҳосилнинг зўрга ярминини йиғиштириб олишди. 8 гектарга экинган полаган эди. Жорий йилда эса уларнинг дебиторлик қарзи 1,5 миллион сўмга етиб қолди. 15 гектар ердаги галла режаси бажарилмади. 23 гектар майдонга экинган чигит унинг чикқан бўлса-да, парварининг ёмонлиги, эътиборсизлик туфайли қуриб-қоғираб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдида



Олий Мажлис сессияси олдида

Қонун ижроси билан кучли

Олий Мажлиснинг IX сессиясидан кейин ўтган даврда, айтиш мумкинки, барча қўмиталар, комиссиялар, депутатлар ишчи гуруҳлари ўз вазифаларига янада маъсул янада билан ёндашиб, самарали ишладилар...

ТАХТАКЎПИР ШОЛИСИ

Тахтакўпир тумани шолikorлари бу йил 4 минг 110 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, давлатга шולי топириш шартнома режасини бажариб...



Қўрғонтепа туманининг Ойим қишлоғида ўзбек-хитой ҳамкорлиги меvasи — «Ойимтекти» кўма муҳассилига тўлиб элиаётир. Махаллий хонашобан экспортбо махсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланаётган ушбу корхона ишга тушса, «Наврўз» Жалпақов номли, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалликлари шолikorларининг ҳиссаси катта бўлиб...

СУРАТДА: монтажчи Фозилжон Абдуасаломов. Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Равнақбанк»нинг раvнақу

Ўтган йилнинг ёзда ташкил этилган «Равнақбанк»нинг активлари ҳозирги пайтда 1 миллиард сўмдан ошиб кетди. Йил охирига қадар бу сўм сўраткичи 2 миллиард сўмдан ошириб, устак капитални 60 миллион сўмга етказиш режалаштирилган. Кредит портфелининг ҳажми эса 200 миллион сўмни ташкил этмоқда...

Миллатлар ва халқлар тарихида уларнинг тақдирини ўчмас из қолдирадиган саналар бўлади. Тез кунларда мамлакатимизда ана шундай кунлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 10 йиллиги тантана қилинади...

Таъкидлаш жоизки, давлат тузумининг асослари Конституцияда ифодаланади. Бутун бир мамлакат ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Конституцияга қайи устувор юридик аҳамиятга эга бўлади...

КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК ТАМОЙИЛАРИ ВА КАРОЛАТЛАРИ

Таъкидлаш жоизки, давлат тузумининг асослари Конституцияда ифодаланади. Бутун бир мамлакат ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Конституцияга қайи устувор юридик аҳамиятга эга бўлади...

Дарвоқе, шўролар давридан 1924 йилда қабул қилинган Конституциянинг сийсий табиати эга бўлганлиги боис, унда айнан турли манфаатлар мувозанати ва турли кучлар нисбати ҳисобга олинмаган эди...

Хатто собиқ СССРнинг «умумхалқ Конституцияси» деб номланган 1977 йилдаги Конституциясида эга бўлмаган давлатнинг анархияга ўз тутиши шубҳасиз. Демак, конституциявийлик давлатчилик асосларини дахлсиз сақлашга ҳизмат қилади...

Шу ўринда таъкидлаш керакки, конституциявийликнинг таъминлашнинг ўзинга хос шартлари мавжуд. Конституциявийликнинг биринчи шарт — мамлакатда Асосий Қонун — Конституциянинг мавжуд бўлишидир...

президентлик республикаларида ҳўқимиятлар бўлишини принципини амалда ошириш бирмунча осонроқ бўлади. Парламентар республикалар кенг расм бўлган Европада эса ҳўқимиятнинг парламент шаклида тартибга солиниши шубҳасиз...

Албатта, маъкур масаланинг мувозанатли равишда таъминлангани, балки амалиётда суд ҳўқимиятининг устуворлигини ҳам қўзғатиш мумкин. Ҳўқимият тармоқлари фаолиятга чуқурроқ назар ташлаш зарур...

Суд ҳўқимиятини томондан жўриқ қилишнинг Конституцияда таъминлангани, балки амалиётда суд ҳўқимиятининг устуворлигини ҳам қўзғатиш мумкин. Ҳўқимият тармоқлари фаолиятга чуқурроқ назар ташлаш зарур...

Суд ҳўқимиятини томондан жўриқ қилишнинг Конституцияда таъминлангани, балки амалиётда суд ҳўқимиятининг устуворлигини ҳам қўзғатиш мумкин. Ҳўқимият тармоқлари фаолиятга чуқурроқ назар ташлаш зарур...

Аслида конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланиши айнан суд органларининг давлат бошқарувида турган эриштирилган бевоқифлик ва маъмурий фармойишлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва устуворликни белгилаш, миллий ва хорижий қўнунчилик нормаларини қислаш вазифалари нисбат берилди...

Аслида конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланиши айнан суд органларининг давлат бошқарувида турган эриштирилган бевоқифлик ва маъмурий фармойишлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва устуворликни белгилаш, миллий ва хорижий қўнунчилик нормаларини қислаш вазифалари нисбат берилди...

Конституциявийликнинг таъминлашнинг ўзинга хос шартлари мавжуд. Конституциявийликнинг биринчи шарт — мамлакатда Асосий Қонун — Конституциянинг мавжуд бўлишидир...

А. АЗИЗЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори, профессор.

(Давоми. Боши 1-бетда).

айтиб ўтгандик. Наҳотки, буйнида қарзи бўлатуриб, бамайлихотир хўжалик юртиш, бошқалардан текинга хизмат қилиб беришни талаб этиш ўринли бўлса?

сос сотиб олишга қурблари етмайди? Мана шу далилнинг ўзиёқ уларда аҳиллик, интилиш ва ташаббус йўқлигини кўрсатмайдими?

«Зиёдулла», «Дехқон» ва «Тура» фермер хўжаликларининг раҳбарлари жўровоз бўлиб техника танқислигига, сув етишмаслигини рўқач қилиб ўз нуқсонларини хаспўшлаганга ҳаққат қилишганига ҳайрон бўласан киши. Қаранг, биз номларини тилга олган учта фермер хўжалиги ва улар билан бир ариқдан сув ичадиган яна бошқа 9 та фермер хўжалигининг йил бошидан буён қаналдан сув тортиб оладиган битта насос олишга қурблари етмас эмиш. Ҳақли савол тугилади: оила тебратаман, яхши яшайман, эртанги кунда бой бўламан, деган одамларнинг наҳотки, нархи нари борса 500-600 миң сўм турадиган бир донана

бўлиб қолдилар. Бу қарздорлик, янада лундариқ айтганда, бу қолоқлик тарихига, унинг туб илдизига назар ташлайлик. Хўжалик ва туман раҳбарларига фермер хўжаликларига фақат танлов, яъни тендер асосида ташкил этилиши тўғрисида неча-неча мартаба кўрсатма ва тавсиялар берилди. Афсуски,

рилиб туриши кимга сир? Меҳнатобод туманида бугунги кунда на ширкат, на уюшма, на бирлашма раҳбари бор. Бу ерда муқобил машина-трактор паркиннинг раислари бор, холос. Уларнинг имкониятлари жуда-жуда чекланганлиги эса умумий ишга панд бермоқда. — Мен раҳбарлик

ниятлар ўз қадрини йўқотиб қўяди. Биз юқорида 12 нафар фермер тўғрисида гапириб ўтган эдик. Улар билан қўшни бўлган «Зарафшон» фермер хўжалигининг фаолиятига бир назар ташлайлик. Эркин Ҳайитов раҳбарлик қилаётган бу жамоа йилга ўн миллион сўмлаб соф фойда олиб, меҳнат қилапти. Хўжаликдаги сувчи, механизатор ва оддий ишчиларнинг ҳар бири тонна-тонналаб лонга, жарақ-жарақ даромадга эга бўлишмоқда. Негаки, ер этасини топган. Бу одамлар ерни алдаган эр бўлмастлигини, эр одам билан ҳўнага ўрнига меҳр билан меҳнат қилиши лозимлигини яхши билишадди.

Сўз — тил мамлакатининг фуқароси

... элга эътибор

Улғ мутафаккир Алишер Навоийнинг мақолга айланган кетган «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» ҳикматини тилга ҳозирги муносабатимизга нисбатан қўлласак, баъзилар: «Она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан буён тилга эътибор кучайиб кетди-ку!» дея ажабланиши мумкин. Дарҳақиқат, тилга эътибор кучайиб кетди. Аммо айрим хусусий ҳолларда ана шу эътибор ичида эътиборсизликлар кўзга ташланиди, улар беихтиёр келиб чиқмоқда. Яъни, ихтиёрсиз сўз қўллаш оқибатида тилга эътибор — эътиборсизликка айланган қолмоқда. Улар ўз вақтида англашиб, тузатиб боришса, нутқ маданиятимизга, адабий тилимиз нафосатига, давлат тилимиз нуфузига путур етказиши аниқ. Фикримизнинг далили сифатида айрим ҳаётий мисолларга мурожаат этаемиз.

ҲОРДИК — ИСТИРОХАТ ЭМАС

Янги газеталаримиздан бирига «Ҳордик» деб ном қўйишди. Яқинда биров «Ҳордик» номи журнал ҳам ўқитганини кўриб қолдим. Мен бу насларнинг мазмун-мундарижаси ҳақида баҳслашмоқчи эмасман. Балки улар ўз йўл-йўригини, мухлисларини топганлар, жамоатчиликка ижтимоий фикрни шакллантиришда муайян даражада хизмат қилаётганлар. Балки ўзига хос муаммолари, ютқ ва камчиликларини бордир. Бу — тамомилда бошқа масала. Мен фақатгина на ном ҳақида фикр юритмоқчиман.

«ПАРМУДА» СОМСА НИМА ДЕГАНИ?

Кўча-кўчаларда, бозор-уچارларда кўйилган монанд давлатлардан қўлогини қоматга келди: «Кеп қолинг, еб қолинг! Думбали сомса! Уйланмаган кўчорнинг (!) думбасидан бўлган сомсага кеп қолинг!» Буниси ҳақиқат. Бозордаги чапани сотувчилар нутқ маданиятини талаб қилмай кўя қолайлик. Борингки, бу кўнвоқ сомафурӯшларнинг ҳазилкашлиги бўлиб ҳам кўя қолсин. Кейинги пайтларда гавжум марказлардаги сомаҳоналарда сомачининг антиқа номини йирик ва ҳашамдор ҳарфлар билан ёзиб қўйиш урф бўлди. Бу — «пармуда сомса». Кун ўтган сайн унинг «пармуда», «пармурда» ва ҳаттоки «пармода» шакллари ҳам кўпайиб бормоқда. Бир қарашда бу янгилик давлат тили ҳақидаги Қонунинг амалга оширишининг намунасига ўхшаб кўринади. Чунки авваллари бозор тилида, асосан, «заказ сомса» ибораси юртиларди. Эндликда «пармуда сомса» тимсолида бу ибора гўёки ўзбекчалашди.

тиллардан киритилган ҳар қандай сўз ўзбек тилининг табиғати мос келмавермади. Форс-тожик тилида «фармула» феъли бор. У «бюромоқ» маъносини аниқлатади. Феълнинг «фармо» — ҳозирги замон ўзигадан ясалган «фармон», «фармойиш» сўзлари ўзбек адабий тилига сингир кетган. «Фармула» шакли эса «бюромоқ» тушунчаларининг айнан таржимасидир. Ўзбек тилининг жонли талаффузи талабига кўра, кўп сўзлар таркибиди «ф» товуши «п» тарзида талаффуз этилади: фармон-пармон, футур-путур, нафар-напар, сафар-сапар ва ҳ.к. Ана шу фонетик ҳодиса тўғрисида «фармула» сўзи ҳам «пармула» шаклига кирган. Агар тилимизда бу сўзнинг қўлай муқобили бўлмаганида, уни ишлатасак тўғри бўларди. Ишлатганда ҳам, тўғри шаклини ишлатган маъқул. Тилимизда қўлай муқобили мавжуд экан, кенг халқ оmmasи тушунмайдиган бундай сўзлардан сақланиш жоиздир.

«ГАП ЙЎҚ»МИ?

«Гап йўқ... Чапани бир тоифа кишилар тилига мансуб бу ибора оммавий ахборот воситаларида қўлай тез оммалашиб кетди. Аслида бу ибора русча «слов нет», «нет слов»нинг айнан таржимаси (калька) бўлса керак. «Ўзбекнинг ўзи қизиқ, сўзлаган сўзи қизиқ», — дейди машҳур қизикчи Ҳожибой Тожибоев. Тўғри, қизикчиликка одамларнинг қўлириш учун, ҳажв-танқид йўли билан кўп гапларни тапирашнинг мумкин. Тоҳо қизикчи ҳам ўз тили орқали нутқ жараянига танқидий муносабатини ифодалайди. Лекин кўча тилига оид ҳар қандай сўз ва ибораларни оммалаштириш мумкин эмас. Ҳолбуки, «гап йўқ» иборасини ўн мартабалаб такрорлаб, қўшиқ қилиб айтадиган республика радио-телевидениеси орқали оммалаштириб юборишди. Уни ҳатто телекўрсатувлардан бирининг номига чиқаришди.

Киссалдан ҳисса шуки, кейинги пайтларда юқоридаги сингари кўп сўз-иборалар оммалашиб кетмоқда. Уларни биз тил ҳазинамизга беихтиёр олиб кирмоқдамиз. Нутқ маданиятимиз аҳолига лоқайд қарамоқдамиз. Ҳар бир сўз — тил мамлакатининг фуқароси. Бу мамлакатнинг гузаллиги ҳар бир фуқарога боғлиқ. Ҳар бир сўз ўзига хос гоё ва маъно ташийди. Бир қарашда бозор кўрнанидиган терс маъноли, мавҳум, чапани сўзлар оммавийлашган, халқ тили нафосатига раҳна солади, адабий-маданий тилимизни дағаллаштирилади. Тилга эҳтиёткорлик маъсулиятига ҳар бир киши, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари бурчдор.

Нусратулло ЖУМАТҲҲА,
Тошкент давлат юридик институтининг профессори,
филология фанлари доктори.

Умри беҳуда ўтаётган ер

даги кўп фермерлар эса ўз далаларига кўкламда кўр-кўрона чигит қадашган. Ана шу экинлар учун таъминот идоралари на ёнилги, на ўғит ажратган. Ўз навбатида фермерлар далаларидаги экин учун бўлак пули ҳам олишмаган. Енилгисиз, ўғитсиз, маблағсиз гўза парваришлаб бўлаемиз?

Хўш, фермерлар қандай йўл тутишган? Улар галлага, сабзавот ва полиз экинларига ажратилган ўғити ёнилги ҳўсибидан пахта ўстиришган. Мана шундай ноқонуний ҳаракат тўғрисида аксарият фермер хўжаликларини турли қорхона ва ташкилотлар олдига миллион-миллион сўм қарздор

ана шу тавсиялар инобатга олинмади. Тажрибаси кам, техникаси ва маблағи бўлмаган ўнлаб, юзлаб одамлар бир юмалаб фермерларга айланди. Ана шу бир юмалаб фермерларга айланган қолганлар кимдан ва нимадан умидвор бўлишганди? Хўжалик еримизни шугорлаб, текислаб, уруғимизни экиб беради, деган одамлар айнан мана шу кишилар эмасми? Сирларёда техникаси қонуний ва ноқонуний талон-торож бўлиб кетмаган қанча хўжалик қолди экан? Қолаверса, бу хўжалик раҳбарлари худди қўлқоп сингари йилда икки-уч мартаба ўзгарти-

қилаётган «Навқирон ўлка» муқобил машина трактор паркиннинг тўртта қатор ораларига ишлов берадиган, иккита ер ҳайландиган, бешта юк ташийдиган, учта ўғит сочадиган агрегат ва иккита сеялкаси бор, — дейди Абдувоҳид Алибеков. — Шу техника турлари билан 3487 гектар майдондаги экинларга хизмат кўрсатиш жуда мушкул. Негаки, аксарият фермер хўжаликларининг умуман техникаси йўқ. Натижанда улар йил сайн ривожланиш ўрнига қарзга ботиб боришапти. Бу эътирофини изоҳлашга эҳтиёж бўлмас керак. Ер этасини топмасча барча уринишлар, барча орзу-

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кадрият

Халқимиз азалдан санъат ва ҳунармандчиликни эъзозлаб келган. Ўзбек амалий санъати тарихи ўнлаб асрларни ўз ичига олади. Бугунги кунда ҳам қўли гул усталаримиз томонидан сайқал топган бежирим санъат асарлари бутун дунёга машҳур. 23-24 ноябрь кунлари пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган VII Халқ амалий санъати халқаро кўргазмаси маъмур фикрини яна бир қарра тасдиқлайди.



Нью-Йорк Фанлар академиясининг фахрий академиклари сафига ўзбек олимми ҳам қўшилди. Бундай катта ишончга физика-математика фанининг йирик тадқиқотчиси Муҳаммадқабир Баҳодирхон сазовор бўлди.

Нуфузли академиянинг фахрий аъзоси

Тошкент давлат техника университетининг профессори ҳисобланган бу олим томонидан яратилган «Компенсацияланган кремний» монографияси бирйўла АҚШда, Японияда чоп этилди. Унинг кўп йиллик самарали иланишлари республика-«Электроника» ва микроэлектроника» йўналиши бўйича физиклар мактабининг шаклланишига олиб келди.

ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГҲМ...

Республика Ҳунармандлар уюшмаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ташаббуси билан уюштирилган ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг турли бурчақларидан ва қўшни Қирғизистон Республикасидан 70 дан зиёд вакиллар таширф бўришди. Кўргазмада амалий санъатнинг 30 дан ортқ турлари бўйича тайёрланган намуналар намоиши этилди. Жумладан, ёғоч уймакорлиги, наққошлик, зардузлик, мистарлик, пичоқчилик, қўлоқчилик, қандкорлик, каштаузлилик каби ҳунармандчилик соҳалари вакиллари яратган нафис ва бетакрор буюмлар катнашчиларда катта таассурот қолдириди. Айниқса, бунорлик уста Николай Анисимовнинг ижод намуналарини кўпчилик эътиборини тортиди. Гарчи урус йилгити бўлса-да, ўзбек миллий санъатининг нозик сирларини

ўзлаштириб, биратўла қандкорлик, мистарлик каби мураккаб ҳунарларни маҳорат билан эгаллаганини кўриб, қўйиб қолмай илоҳингиз йўқ. — Мен Бухородаги Пешку туманида туғилганман, — дейди у. — Ўзбек ҳунармандларининг ишларидан илҳомланиб, шу соҳага оид қўлашмактан билан чуқур танишиб, ўзимда ҳам кучли қизиқиб уйғонди. 12 йиллирки, баҳоли қудрат шу ҳунар орқасидан ризқ-насибимизни териб, халқимизга хизмат қилиб келяпмиз. Айниқса, Юртбошимиз шаҳрида бўлиб, бизнинг камтарона меҳнатимизга баҳо берганларида кучимиз-

га-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшилди. ЮНЕСКО раҳбари Федеерико Майор ҳам устaxonамизга таширф бўриб, ясаган буюмларимизга қизиқиб қараганини алоҳида таъкиллаб ўтиш жоиз. Маълумки, Фарғона водийси қадимдан қўли гул ҳунар соҳиблари бешиги саналади. Ушбу анжуманда ҳам водийнинг кўп фермерлари иштирок этишди. Қўқонлик ёғоч уймакорлиги Мухторжон Мўйинов ясаган чиройли уй-рўғор буюмлари устанинг юксак маҳоратидан дарак беради. — Бу ҳўнарни мен падарим бузрукворимдан ўрганганман, — дейди у фахр билан. — Уним ҳам болалигимдан ҳўнармандчиликка меҳр қўйдим. Шу пайтгача ота издан бориб, кам бўлганим йўқ. Бир йилгитта қирқ ҳўнар оз, дейишди. Мухторжон ака уймакорликдан ташқари пичоқчиликнинг ҳам ҳақини олган. У ясаган турли шаклдаги пичоқлар фақатгина Кўқонда эмас, бутун мамлакатимизда ҳам маълуму машҳур. Шунинг айтиб ўтиш ўринлики, томошабинлар ораси-

да хорижлик меҳмонлари ҳам учратади. Улар юртдошларимизнинг самарали меҳнат муҳурини айрича завқ ва қизиқиш билан кузатишади. — Мен юртингизга биринчи бор келатганим йўқ, — дейди Лиги хоним биз билан суҳбатда. — Уним Американинг Виржиния штатиданман, ҳар гал келганимда Ватанимга ўзгача таассуротлар билан қайтаман. Ушбу кўргазма ҳам хотирамда бир умр муҳрланиб қолади. Негаки, ўзбек халқи меҳмондўст ва аминийлиги билан бирга ҳўнармандчиликда ҳам беназир эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Эса-дилик учун бир қанча ҳўнармандчилик намуналарини харид қилдим. Анжуманда қирғиз чеварлари ҳам ўзлари тиккан бежирим миллий либослари, кашталари ва бошқа амалий санъат намуналарини билан иштирок этиб, йилгиланлар олқишига сазовор бўлишди. Кўргазма залларини айланарканмиз, ҳадқимизнинг ўлмас анъаналари, тарихий қадриятлари, бетакрор ҳўнармандчилиги ҳеч қачон завод топмаслигига амин бўлдик. Беихтиёр Ҳазрат Навоийнинг Фарҳод тилидан айтган мисраси ёлга тушди: «Ҳўнарни асрабон нетгўмлар охир...»

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Нўманжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани давлат солиқ инспекциясининг Гулбаҳор кўрғони, «Самарқанд» кўчаси, 28-уйдаги маъмурий биноси капитал таъмирлаш бўйича бош пудратчиغا

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда иштирок этиш учун ариза намуналарини ва тендер ҳужжатларини Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг бухгалтерияси ҳисоби ва бутлаш бўлимидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент ш., Носиров 2-тор к., 2-«А» уй.
Телефонлар: 137-60-14, 137-60-06, факс: 137-60-17.

Тендерда иштирок этиш учун тақдирлар эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«NBU-Янги йил» қисқа муддатли депозит турини таклиф этади.

Пуллар 2002 йилнинг 25 ноябрдан 31 декабригача қабул қилинади. Сақлаш муддати — 3 ой.

Қўшилган фойзалар: 1-ой — йиллик 70%;
2-ой — йиллик 60%;
3-ой — йиллик 50%.

Талаб қилиб олинмаган фойзалар ҳар ой капиталлаштирилади.

Дастлабки бадалнинг минимал суммаси — 25000 сўм.
Қўшимча бадал камида — 10000 сўм.

Миллий банк — пулларингиз бутлиги ва даромад келтириш кафолатидир!

Телефонлар: 137-62-81, 137-62-83.
www.nbu.com

Таълим чорраҳаларида

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳаётида муҳим воқеа юз берди: факультет Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидagi харбий олий ўқув юртлири ўртасида ўтказилган мусобака натижаларига кўра, «Кўча кубок» соҳиби бўлди, айни пайтда уларга мудофаа вазирининг фахрий ёрлиги ҳам тақдим этилди.

Кўча кубок соҳиби

— Ушбу мукофот факультетининг олий соддатли курсантдан тортиб юқори лавозимдаги офицерлари ва университетнинг профессор-ўқитувчиларини беҳад қувонтирди. — дейди факультет бошлиғи, полковник Б.Раҳимбердиев. — Бундай ютуққа юксак тартиб-интизом, жанговар тайёргарлик ва ўқишдаги юқори натижалар туғайли эришилди.

Махсус факультет республикамиз Куроли Кучлари сафига олий маълумотли офицер кадрлар тайёрлаб беради. Иккинчи курсни муваффақиятли тугатган ва ҳар томонлама харбий хизматга лойиқ бўлган талабалар учинчи курсдан бошлаб бу факультетда курсант мақомига эришадилар ва тулик давлат таъминотида ўтадилар. Курсантларга харбий билимлари ва харбий техника сирасорларини академик Т.Ражабов, таниқли олимлар С.Қосимов, А.Абдинабиев, В.Соколов, Б.Ражабов, С.Сон ва харбий офицерлар кунт билан ўргатиб келмоқда.

Эришилган ютуқларда, айниқса, полковник А.Тулаганов бошқараётган «Радиоалоқа» кафедрасининг ҳиссаси катта. Талабаларнинг радиоалоқа фанига бўлган қизиқишлари ниҳоятда ортиб бормоқ-

да. Маълумки, профессионал армиянинг замонавий радиоалоқаларини тасаввур этиш қийин. Уз навбатда, ҳар бир офицердан бу соҳани мукамал билиш талаб этилади. Кафедра энг сўнгги радиоалоқа асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

— Ватан ҳимояси муқаддаслигини чуқур англаймиз, — дейди курсант С.Шодмонов, — ана шу туғту мени махсус факультетда илм олишга бошлади. Сарҳадларимиз осойишталигини таъминлашда радиоалоқа мутахассисларининг хизмати ҳам салмоқли бўлади.

Айни пайтда факультет замонавий техника ва Интернет тизими билан боғлана оладиган компьютер синфларига эга.

Президентимизнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, махсус факультет жамоаси 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб Давлат таълим стандартларига мос келадиган «харбий бакалаврлар» тайёрлаш ўқув дастурини ишлаб чиқди. Янги ўқув йилида шу йўналиш бўйича талабалар қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Муфтилло ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мультимедияли электрон дастур

Замонавий технология маҳсулоти сифатида яратилган мультимедияли электрон ўқув дарсликлари таълим жараёнидан ўрин ола бошлади. График усулда овозли, аудио ва видео кўриниш касб этган бундай кўргазмали курилмалар учун дастурлар тайёрлашга ҳам киришилди.

Дастлабки миллий ўқув дастури мунасибни яратиб Самарқанд давлат университети доценти, ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази бошлиғи Маҳмуд Лутфуллаевага насиб этди. У бу қўлланма устида самарали излашни олиб бораётган экан, жаҳон технологиялари ва дастурлари асосида иш қилди.

Мамлакатимиз таълим тизимида муҳим янгилик бўлган бу мультимедияли электрон китоб дастури ўқитишни ҳаракат ва овоз бирлигида уюштириш имконини беради.

Ушбу дастур муаллифи ўз таърибларини ҳамкасблари билан баҳам қилиш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида «Электрон дарс» ўтказди. Доцент бу олий ўқув юртида фанлар бўйича электрон дарсликлар ва электрон алабёнлар кутубхонасини яратиш юзасидан ҳам ўзро фикр алмашди.

А. АКБАРОВ.



Республика Бизнес мактабининг Навоий филиали кичик ва ўрта бизнес соҳасида иқтисодий билимларни пухта эгаллаш мутахассисларини тайёрлаш масоидида ташкил этилган эди. Ҳозир бу ерда 460 нафар талаба иқтисодий ҳуқуқшунос, бухгалтерия ҳисоби, аудит сингари мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётти. Уқий, эгаллаш касб маҳоратларини пухта эгаллаш учун бу ерда етарли шарт-шароит яратилган. Собиқ талабалар ўз мутахассисликлари бўйича Давлат мулки кўмитаси, тижорат банклари ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида самарали фаолият кўрсатаёттир.

СУРАТЛАРДА: бизнес мактаби ҳаётидан лавҳалар.
С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Умид ниҳоллари

Ортимиз бўйлаб ўтказилган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг 1-4-синфлар ўртасидаги босқичи якунланди, иккинчи — 5-7-синфлар ўртасидаги беллашувларга старт берилди.

Иккинчи босқич давом этмоқда

Пойтахтимизнинг Миробод тумани умумтаълим муассасаларида ҳам «Умид ниҳоллари» ўйинларининг 5-7-синфлар ўртасидаги беллашувлари давом этмоқда. Шу кунгача спортнинг қўл түпи, футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 1300 дан зиёд ўқувчи қатнашди. 263, 94-мактаблар, футбол бўйича 175, 328, 125-сингил атлетика бўйича 60, 110, 31, сузич бўйича 110, 60, 94-мактаблар юқори кўрсаткичларга эришилди.

«Умид ниҳоллари»нинг навбатдаги босқичини ўтказишда асосий эътиборни олдандек ушбу тадбирнинг оммавийлигини таъминлашга қаратилди, — дейди Миробод тумани халқ таълими бўлими мудири Намоз Рузидқов. — Шунингдек, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашган мурабийлар, ота-оналарни рағбатлантириш ҳам йўлга қўйилди. Ўтказилган мусобақаларда иқтисодий спортчиларни анжлаш, уларнинг лаёқатига қараб спорт билан шугулланишлари учун шарт-шароит яратиб бериш масаласи ҳам диққат марказида турибди.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг иккинчи босқичи беллашувлари кун кеча Собир Раҳимов туманига қарашли 249-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хикмат

Сен отанга ҳар на қилдинг яхшилик,
Кут боландан яхшиликка яхшилик.

«Олтин куз»

Тошкентда биринчи марта бўлиб ўтган қозоқ қўшиқлари фестивали ана шундай деб номланди

Қозоқ халқи маданияти ривожига Тошкент катта роль ўйнади. Ўтган аср бошларида бу шаҳарда Мухтор Аезов, Сакен Сайфуллин, Илос Жонсуғуров, Отабой Турманжонов каби ёзувчилар, халқ рассоми Урол Тансиқбоев, артист Жамол Омарова ва бошқалар яшаб, ижод этишган.

Ғафур Ғулум билан Собир Мукнонов ўртасидаги муносабат ўзбек ва қозоқ халқи дўстлигининг ёрқин тимсолидир.

Бугун Ўзбекистонда «Нурли жол» газетаси, телевидениенинг «Дўстлик» дастури, «Дилар» телестудияси, «Ўзбекистон» нашриёти ҳузурида 600 дан ортиқ қозоқ мактабларини дарсликлар билан таъминловчи «Асил мур» таърифиёт фаолият кўрсатмоқда.



Республика байналмилал маданият маркази қошида ташкил топган қозоқ маданият маркази иккинчи халқ биродарлигининг муостақам кўприғидир, — дейди марказ раиси Саларбай Жубаев. — Яқинда марказда «Олтин куз» деб номланган қозоқ қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди. У ҳар икки республика мустақиллигининг 11 йиллигига ба-

ғишланди. Бадний ҳаваскорлик дастури иштирок этган мазкур фестиваль Қозоғистон элчионаси, таниқли санъаткорлар — Урбигул ва Олмагул Суярбоеваларнинг сай-ҳаракатлари билан ташкилланган. Фестиваль дастури нафақат қозоқ, балки ўзбек ешлари учун ҳам жуда қизиқарли бўлганлиги эътироф этилди. Ватан, эл-юрт, ота-онага садоқат, муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар қатнашчилар қалбидан чуқур жой олди.

Ҳакамлар ҳайати қарорига кўра, битта биринчи даражали диплом билан элчиона номидан қимматбаҳо совға замонавий қозоқ эстрада қўшиқлари ижросини Ерлан Алимқуловга топширилди. «Ак-ку» эстрада ва дўмбирачи қизлар дастури иккинчи даражали ўрин эгаси бўлди. Учта учинчи ўрин дўст қўшиқлар ижрочилари Лаззат Назарова, Дина Каратаева, Айнур Бектурганова, Олмагул Ешмуратова, дўмбирачи Бекзода Тулаеваларга насиб этди.

Г. ҲУСАНОВА.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши
ВА
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРХОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚИЙБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетачилик билан алоқа ва мунтакалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977,
27225 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **А. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **И. УТБОСАРОВ.**
Навбатчи — **М. НОРМУРДОВА.**
Мусахҳас — **М. ЁҚУБОВА.**

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қозоқдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
1 — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 22.00.
1 2 3 4 5 6

Опадай яқин, сингилдай сирдош

«Обуна — 2003»

Давраларда опа-сингилларимиз нашри «Саодат» ва «Гулчехралар» ҳақида гап кетганда, «Яхшилик ва ахшилик тартиботини» деган фикр айтилади. Чунки ахшилик — ҳамма замонларда энг ишончли тарбиячи. Биз 2003 йилда ҳам Ватанимизнинг олис-яқин гушаларида биримиз икки бўлсин, деб мангиларини ёз офтобни, қиш аёвиги тутиб, меҳнат қилётган аёллар ҳақида ёзамиз. Уларнинг суратларини (у қадам тўқис, сулув бўлма-да, қўллар қалок, чехраларида меҳнат иш бўлса-да) саҳифамиз бошига қўямиз. Чунки улар — ризқ улашувчилар, уларнинг заҳматқашликлари учун уявон бор.

Барча оналар ташқаридан қараганда, бир-бирини ўхшаса ҳам, тарбия усуллари ўзгача. Биз жасоратли, қатъиятли, интилувчан фарзандлар тарбиялаб, элга қўшаётган оналар дарксонасида сабақлар берамиз.

«Улгингизни қандай тарбияладисиз, қизингиз журтатли бўлсини, андишалми?» деган саволларга руҳшўнослар, шифокорлар, ёшлар давраларидан олинган асосли жавоблар эшон қиламиз.

Режамизда турган «Бир мактуб изидан», «Тақдир ва таҳ-

лилар» каби руқналаримиз билан опа-сингилларимиз ҳаётидаги муаммоларга кириб бормоқчимиз.

Ҳаммага маълумки, бугунги ҳаёт томир уришини талбиркорлик белгилайди. «Талбиркорнинг иши кўпми ё пули?» — «Бойлик аслини эркалатадими ё чинистирадими?» каби саволларга жавоб берадиган мақолалар, суҳбатлар орқали талбиркорлар тажрибалари, сабақлари билан таништириш истаганимиз.

Бугунги адабиёт — фикрловчи адабиёт. Унинг қаҳрамонлари энди «Бир бор экан, бир йўқ экан», тарзда бериладиган баён усулида ёзилган асарлар қаҳрамонларидан фарқ қилади. Бу асарларда воқеа эмас, руҳий кеинималар, юрак бирдамчилири.

Эълон қилмоқчи бўлган ҳикоя ва шеърини туркумларимизда шу руҳ усун.

Жаҳон адабиётидан таржималар, дунёга машҳур таржималар ҳаётдан қизиқарли лавҳалар, «Хуқуқий маслаҳатхона», «Шифокор маслаҳати» каби анъанавий руқналаримизни янги номлар, дунё ҳуқуқшунослиги, тиббиёт янгиликларини билан бойитишни мўлжаллаб турибимиз.

Аллоамалиримиздан бири: «Уғил бодани тарбияласанг, бир одамни, қиз бодани тарбияласанг, беш одамни тарбиялайсан», деган экан.

«Саодат» ва унинг иловаси «Гулчехралар» — маърифат, тажриба ўргатувчи энг яхши тарбиячилардан бири. Обуна бўлсангиз, ютқазмайси.

«Саодат» индекси — 867.
Битта сонга — 250 сўм.
Бир йилда 8 та сон чиқади.
«Гулчехралар» индекси — 618.
Битта сонга — 50 сўм.
Бир йилда 12 та сон чиқади.
Бу нарҳа почта, йўл харажати қирмайди.

Кутубхонада немис ўқув маркази

Самарқанд вилояти бирлашган кутубхонаси қошида «Немис ўқув маркази» иш бошлади. Уни ташкил этишда Тошкентдаги Гёте Интер Национсе институтининг кўмаги катта бўлди.

Мазкур марказда немис тилини ўрганиш билан бирга, маданияти ва санъати тарихи билан ҳам танишиш мумкин. Компьютер хонаси, аудио-видео техник ускуналари, 700 дан зиёд илмий ва бадний адабиётларга эга кутубхона ўқувчилар хизматига.

Янги шифо маскани

Қўнғирот туманидаги «Равшан» ширкат ҳўжалиги аҳолиси барча замонавий тиббиёт анжолари билан жиҳозланган шифо масканига эга бўлди. Уни «Датус» ишлаб чиқариш-тижорат маркази қурувчилари бунёд этдилар.

Келгуси йилдан бошлаб, шундай масканлар туманининг барча қишлоқларида қурилиши мўлжалланмоқда.

Минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўйича бош дирекцияси
«KOMMUNALLIZING»
давлат ташқи иқтисодий унитар корхонаси
қўйидаги ўлчаш асбобларини сотиб олиш бўйича
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
● **электромагнитли сув ўлчаш асбоблари;**
● **инимлик суви сақланадиган ҳавзалардаги сув миқдорини ўлчаш асбоблари.**
Ҳужжатлар эълон чоп этилганидан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.
Мурожаат қилиш учун манзили: 700035, Тошкент ш., Юнусовод тумани, «Низозбек йўли» к., 1-уй, 714, 621-хоналар.
Телефонлар: 133-05-42, 34-07-21, факс: 133-05-42, ички телефонлар: 4-49, 4-68.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА
«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ
АҚШ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «416-В» ДАСТУРИ БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН СОЯ ДОНИНИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — СЎМГА СОТИШГА САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин. Манзилими: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

TS-Technology
Жаҳондаги атакли компаниялар ўз компьютерларини одадга юқори баҳоларда тақлиф этидилар. Бунинг асосий сабаби шунки, уларнинг баҳосига бугун дунё бўйлаб қилинаётган реклама ҳамда дунёнинг нариғи бурнақидан олиб келиш учун кетадиган йўл харажатлари кирди.
БИРОҚ БОШҚАЧА ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН
TS-Technology тақлиф этади
TS-Technology компьютерлари — бу юқори сифат ва муносиб нарҳлар
TS-Technology компьютерлари — бу 3 йиллик кафолат
TS-Technology компьютерлари — бу бутун мамлакат бўйлаб сервис-марказлари хизмати
TS-Technology компьютерлари — бу жаҳон талабларига тўла жавоб беради
TS-Technology компьютерлари — бу ўзбек ва рус тилларидаги қўлланма
TS-Technology компьютерлари — бу **Миллий бренд**
Давлат ўқув муассасалари учун йилнинг охиригача имтиёзли нарҳлар белгиланган.
Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Хамид Олимжон майдони, Пойтахт бизнес мажмуасининг гарбий томони, 29-30 офисга мурожаат қилинг.
Тел.: 137-72-91, 137-72-92.
Факс: 137-72-93.
e-mail: sales@tstech.uz
Компьютер техникаларини харид қилиш истағида бўлганлар компания ҳамкорларига ҳам мурожаат этишлари мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
255-хона

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва Котибият жамоаси Котибият ходими **Мирҳўсановнинг** вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти раҳбарияти республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори, профессор **Ш. Нурматовга** отаси **Нурмат ТУРДИМАТОВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология институти ректорати, жамоат ташкилотлари институт ректори **Нодирбек Юсуфбековга** акаси **Носирбек РУСТАМБЕКОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси Таржима таҳририяти бош муҳаррири **Зебо Бобоевага** отаси **Тўхтамурод БОБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадний академияси жамоаси республика Рассомлик коллежи директорининг биринчи муовини **Ҳасан Аминовга** отаси **МУКАМБАРХОНИНГ** вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдирди.